ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » июль № 452 Toshkent sh.

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 августдаги ПҚ–4422-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергияни ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларининг давлат ҳисобини юритишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар белгиланган тартибда, қуйидагиларни:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларга ягона идентификация рақамини онлайн режимида тақдим этишни;

мазкур қарор билан белгиланган тартиб ва талабларга мувофиқ қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия бўйича ҳисоботларни электрон шаклда онлайн режимда тақдим этишни;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) етказиб бериладиган энергияни ҳисобга олиш бўйича маълумотларни автоматлаштирилган тарзда йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ягона маълумотлар базасини ташкил қилишни таъминловчи автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиб жорий этсин.

ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ягона маълумотлар базасини жорий этишда қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги – буюртмачи этиб;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар – молиялаштириш манбалари этиб;

Ягона маълумотлар базасини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ахборот тизими билан интеграциялаштиришни таъминлаш белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 23 июлдаги 452- сон қарорига
илова

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қайта тикланувчи энергия манбалари (кейинги ўринларда – ҚТЭМ) қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қайта тикланувчи энергия манбалари – атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш энергияси, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биогаз ва биомасса энергияси;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар (кейинги ўринларда – энергия ишлаб чиқарувчилар) – ҚТЭМдан энергия ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчи – ҚТЭМнинг қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари –ҚТЭМдан энергия ишлаб чиқариш, энергияни қабул қилиб олиш, ўзгартириш, тўплаш ва (ёки) узатиш, шунингдек ҳисобга олиш бўйича технологик асбоб-ускуналар мажмуаси, технологик ва (ёки) бутловчи асбоб-ускуналар;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқарилган энергияни ҳисоблаш – ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ваколатли органларга ҳисобот бериш учун ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган энергиянинг ҳақиқий миқдорини тегишли замонавий ҳисоблаш приборлари ва ҳисоблагичлар кўрсаткичлари асосида қайд қилиш ва ҳисоблаш тизими.

махсус ваколатли давлат орган – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги.

ягона маълумотлар базаси – ҚТЭМ қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини автоматлаштирилган тарзда юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг ягона маълумотлар базаси.

ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

3. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. ҚТЭМ қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш энергия ишлаб чиқарувчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда – идентификация рақами) ва муайян вақт давомида ҚТЭМдан ишлаб чиқариладиган энергия тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади.

5. Махсус ваколатли давлат орган томонидан ҚТЭМ қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш учун 2021 йил 1 мартдан бошлаб энергия ишлаб чиқарувчилар ушбу Низомда белгиланган тартибда ягона маълумотлар базаси орқали идентификация рақамини олишлари лозим.

2-боб. Энергия ишлаб чиқарувчиларни ва ҚТЭМ қурилмаларини ҳисобга олиш тартиби

6. Энергия ишлаб чиқарувчилар идентификация рақамини олиш учун махсус ваколатли давлат органига қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган аризани online тарзда автоматлаштирилган тартибда ягона маълумотлар базаси орқали тақдим этади:

энергия ишлаб чиқарувчилар тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахслар учун – реквизитлари (жойлашган манзили), жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) учун – фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш (почта) манзили);

энергия ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ҚТЭМнинг тури (қуёш, шамол, биогаз, геотермал ва бошқалар);

энергия ишлаб чиқариш қувватларининг жойлашуви ва улар эгаллаган майдони;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиси, ишлаб чиқарган давлат ва ишлаб чиқарилган санаси, энергия ишлаб чиқарувчи асосий қурилмаларнинг тури ва қуввати, мувофиқлик сертификати мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ишга тушириш санаси.

7. Энергия ишлаб чиқарувчилар идентификация рақамини олгандан кейин ўз фаолияти давоми ушбу Низомнинг 6-бандида келтирилган унга тегишли маълумотлари ўзгарган тақдирда ўттиз календарь куни мобайнида махсус ваколатли давлат органига тегишли ўзгарган маълумотларни илова қилган ҳолда идентификация рақами бўйича тузатишлар киритилиши юзасидан ягона маълумотлар базасида қўшимча ариза тўлдиради ва ушбу ариза махсус ваколатли давлат органи томонидан икки иш куни мобайнида кўриб чиқилиб индентификация рақами бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилади.

ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

3-боб. Энергия ишлаб чиқарувчиларга идентификация рақамини тақдим этиш ва ҚТЭМ қурилмаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ҳисобини юритиш тартиби

8. Энергия ишлаб чиқарувчиларга идентификация рақамини тақдим етиш, улар томонидан ягона маълумотлар базаси орқали online ариза тўлақонли тўлдирилгандан сўнг махсус ваколатли давлат органи томонидан икки иш куни давомида бепул амалга оширилади.

9. Идентификация рақамини олиш учун энергия ишлаб чиқарувчилар ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган маълумотларни электрон тарзда ягона маълумотлар базасига тўлиқ киритади.

10. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотларни энергия ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ тўлдирилмаганлиги идентификация рақамини тақдим этмаслик учун асос бўлиб ҳисобланади ва бундай ҳолатларда идентификация рақамини олиш учун киритилган ариза ягона маълумотлар базасида автоматлаштирилган тартибда қабул қилинмайди.

11. ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган энергияни ҳисобга олувчи тегишли замонавий ҳисоблаш приборларининг ва ҳисоблагичларнинг техник кўрсаткичлари, метрологик тавсифлари ушбу приборлар ва ҳисоблагичлар бўйича қабул қилинган техник регламентлар ҳамда стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бериши лозим.

12. Ҳар бир энергия ишлаб чиқарувчи унга махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим этилган идентификация рақами бўйича ҳар чоракда электрон тарзда ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган ва (ёки) етказиб берилган энергия миқдори тўғрисидаги маълумотларни (ҳисоботни) ягона маълумотлар базасига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда киритиб боради.

13. Махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига мувофиқ, ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган энергияни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисоблаш приборлари ва ҳисоблагичларининг кўрсаткичлари ҳар чоракда бир марта “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ва “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан кўрикдан ўтказилиши мумкин.

14. Энергия ишлаб чиқарувчилар ҚТЭМнинг қурилмаларидан фойдаланишни ва (ёки) уларда энергия ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатса ёки улардан воз кечса, бу ҳақида ягона маълумотлар базасида орқали махсус ваколатли давлат органини ариза билан хабардор қилади ҳамда уларнинг индентификация рақами бекор қилинади.

ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

4-боб. Назорат қилиш тартиби

15. Энергия ишлаб чиқарувчилар томонидан ушбу Низом талабларининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Назорат қилиш давомийлиги бир кундан кўп бўлмаслиги ва даврийлиги, агар номувофиқликлар аниқланмаса, уч йилда бир мартадан кўп бўлмаслиги лозим.

5-боб. Якунловчи қоидалар

16. Тегишли давлат органлари ҚТЭМдан фойдаланиш соҳасидаги имтиёзлар ва преференцияларни татбиқ этишда энергия ишлаб чиқарувчиларнинг тегишли маълумотларини Ягона маълумотлар базасидан уларнинг идентификация рақами орқали олишлари лозим.

17. Ушбу Низомга мувофиқ ҚТЭМ қурилмалари ва уларда ишлаб чиқарилган ва (ёки) етказиб берилган энергия миқдори тўғрисидаги тақдим этилган маълумотларнинг тўғри расмийлаштирилганлигига, асослилигига ва ҳаққонийлигига энергия ишлаб чиқарувчилар жавобгардирлар.

18. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

19. Мазкур Низом расман тасдиқланган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг
ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат
ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомга
1-илова

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг
ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	**Қайта тикланувчи энергия манба-ларидан энергия ишлаб чиқарувчилар**	Қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ)дан энергия ишлаб чиқарувчилар (Энергия ишлаб чиқарувчилар) идентификация рақамини олиш учун аризани (тегишли тўлиқ маълумотлар билан) online тарзда ҚТЭМ қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини автоматлаштирилган тарзда юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ягона маълумотлар базасига (Ягона маълумотлар базаси) киритади.	ҚТЭМ ускуналарини илк бор ўрнатганда тўқсон кун мобайнида / ускуналарга ўзгартиришлар киритганда ўттиз кун мобайнида
2-босқич	**Ягона маълумотлар базаси**	Энергия ишлаб чиқарувчилар томонидан идентификация рақамини олиш учун Ягона маълумотлар базасига online ариза тўлақонли тўлдирилгандан сўнг идентификация рақами шакллантирилади ва энергия ишлаб чиқарувчига тақдим этади.	икки иш куни муддатда
3-босқич	**Энергия ишлаб чиқарувчилар**	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан тақдим этилган идентификация рақами бўйича ҳар чоракда электрон тарзда ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган ва (ёки) етказиб берилган энергия миқдори тўғрисидаги маълумотларни (ҳисоботни) ягона маълумотлар базасига киритиб боради.	ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасигача
4-босқич	**Ягона маълумотлар базаси**	Энергия ишлаб чиқарувчилар томонидан ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган ва (ёки) етказиб берилган энергия миқдори тўғрисидаги Ягона маълумотлар базасига киритилган ҳисоботларни таҳлил қилиб бориш.	Доимий равишда
5-босқич	**Ўзэнергоинспекция**	Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.	ҳар уч йилда бир марта

ҚҲММБ: 09/20/452/1097-сон
24.07.2020 й.

Қайта тикланувчи энергия манбалари
қурилмаларининг ва улардан ишлаб
чиқариладиган энергиянинг давлат
ҳисобини юритиш тўғрисидаги низомга
2-илова

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқарилган ва етказиб берилган энергия миқдори тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	____ _____ ____ ____ (идентификация рақами)			
			_____йил			
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Ишлаб чиқарилган электр энергияси миқдори	кВт.соат				
2.	Ягона электр энергетика тизимига етказиб берилган электр энергияси миқдори	кВт.соат				
3.	Локал тармоққа етказиб берилган электр энергияси миқдори	кВт.соат				
4.	Ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияси миқдори	Гкал.				
5.	Локал тармоққа етказиб берилган иссиқлик энергияси миқдори	Гкал.				
6.	Ишлаб чиқарилган биогаз миқдори	минг $м^3$				
7.	Локал тармоққа етказиб берилган биогаз миқдори	минг $м^3$				

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3